

**Oriental Journal of Philology****ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**MANUSCRIPT COPIES OF NASIR AL-MUTARRIZI'S "RISALATUN FI AN-NAHW" PRESERVED IN THE NATIONAL LIBRARY OF FRANCE: A TEXTOLOGICAL AND METHODOLOGICAL ANALYSIS****Azimjon K. Rakhmonov***Alfraganus University, Faculty of Philology**Head of the Language Teaching Center**Tashkent State University of Oriental Studies**Higher School of Arabic Studies, Independent Researcher*[raxmonoviazimjon@gmail.com](mailto:raxmonoviazimjon@gmail.com)*Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Mutarrizi, Risalatun fi an-Nahw, manuscript, textual criticism, arabic grammar, manuscript studies, editorial revision.

**Received:** 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

**Abstract:** This article presents a comparative analysis of three manuscript copies of Nasir al-Mutarrizi's treatise *Risalatun fi an-Nahw*, preserved in the National Library of France under the inventory numbers Arabe 4254, Arabe 5875, and Arabe 6664. The study is conducted from the perspectives of textual criticism and manuscript studies. During the research process, the structural features of the manuscripts, writing characteristics, terminological system, and textual variations were examined. The results demonstrate that the text of the treatise has not been preserved in a fixed form but has undergone certain editorial modifications over time. The oldest manuscript, inventory number 6664, appears to be closest to the original version of the text; manuscript no. 5875 represents a more systematized scholarly version, while manuscript no. 4254 reflects a simplified instructional version. The study makes it possible to reconstruct al-Mutarrizi's scholarly approach to the science of Arabic grammar (*nahw*) and to trace the development of his grammatical views.

**НОСИР АЛ-МУТАРРИЗИЙНИНГ "РИСАЛАТУН ФИН-НАҲВ" АСАРИНИНГ  
ФРАНЦИЯ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМА  
НУСХАЛАРИ: ТЕКСТОЛОГИК ВА МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ**

*Азимжон К. Рахмонов*

*Алфраганус университети Филология факультети*

*Тилларни ўқитиш маркази раҳбари*

*Тошкент давлат шарқишунослик университети*

*Арабшунослик олий мактаби мустақил изланувчиси*

[rahmonoviazimjon@gmail.com](mailto:rahmonoviazimjon@gmail.com)

*Тошкент, Ўзбекистон*

## МАҚОЛА ҲАҚИДА

<p><b>Калит</b> Рисалатун матншунослик, тадқиқи, таҳрир.</p>	<p><b>сўзлар:</b> фин-наҳв, наҳв илми,</p>	<p>Мутарризий, кўлёзма, кўлёзма</p>	<p><b>Аннотация:</b> Мазкур мақолада Носир ал-Мутарризийнинг “Рисалатун фин-наҳв” асарининг Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Arabe 4254, Arabe 5875 ва Arabe 6664 инвентар рақамли уч кўлёзма нусхаси матншунослик ҳамда кўлёзма тадқиқи нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилинади. Тадқиқот жараёнида кўлёмаларнинг тузилиши, ёзув хусусиятлари, терминологик тизими ҳамда матн таркибидаги фарқлар ўрганилди. Таҳлил натижалари рисола матни ўзгармас ҳолда сақланмаганини, балки вақт давомида айрим таҳририй ўзгаришлар билан такомиллашиб борганини кўрсатди. Энг қадимий нусха 6664 инвентар рақамли кўлёзма матннинг дастлабки шаклига энг яқин бўлиб, 5875 рақамли нусхаси матннинг тартибга солинган илмий шаклини, 4254 рақамли нусхаси эса унинг содалаштирилган ўқув вариантини ифодалайди. Тадқиқот Мутарризийнинг наҳв илмидаги илмий ёндашувини ҳамда унинг грамматик қарашлари ривожланиш жараёнини қайта тиклаш имконини беради.</p>
--	--	---	--

## РУКОПИСНЫЕ СПИСКИ ТРАКТАТА НАСИРА АЛ-МУТАРРИЗИ «РИСАЛАТУН ФИ АН-НАХВ», ХРАНЯЩИЕСЯ В НАЦИОНАЛЬНОЙ БИБЛИОТЕКЕ ФРАНЦИИ: ТЕКСТОЛОГИЧЕСКИЙ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

*Азимжон К. Рахмонов*

*Университет Алфраганус, филологический факультет*

*Руководитель Центра преподавания языков*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Высшая школа арабистики, независимый исследователь*

[rahmonoviazimjon@gmail.com](mailto:rahmonoviazimjon@gmail.com)

*Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

<p><b>Ключевые</b> Рисалатун</p>	<p><b>слова:</b> фи ан-наҳв,</p>	<p>Мутарризи, рукопись,</p>	<p><b>Аннотация:</b> В данной статье проводится сравнительный анализ трех</p>
--------------------------------------	--------------------------------------	---------------------------------	---

текстология, наука нахв, рукописное исследование, редакция.

рукописных списков трактата Насира ал-Мутарризиди «Рисалатун фи ан-нахв», хранящихся в Национальной библиотеке Франции под инвентарными номерами Arabe 4254, Arabe 5875 и Arabe 6664. Исследование выполнено с точки зрения текстологии и рукописоведения. В ходе анализа были изучены структура рукописей, особенности письма, терминологическая система и различия в текстовом составе. Результаты исследования показали, что текст трактата не сохранился в неизменном виде, а со временем претерпевал определённые редакционные изменения. Наиболее древний список – рукопись под номером 6664 – является наиболее близким к первоначальной редакции текста; рукопись № 5875 отражает более упорядоченную научную редакцию, тогда как рукопись № 4254 представляет собой её упрощённый учебный вариант. Проведённое исследование позволяет реконструировать научный подход ал-Мутарризиди в области науки нахв и проследить развитие его грамматических взглядов.

**Кириш.** Араб тилшунослиги тарихида нахвга оид рисоалар алохида илмий жанр сифатида шаклланган. Бундай рисоалар одатда қисқа, тизимли ва ўқув-дидактик хусусиятга эга бўлиб, грамматик қоидаларни ихчам ҳамда изчил тарзда баён қилишга қаратилган. Носир ал-Мутарризиди (ваф. 610/1213) мазкур анъанада муҳим ўрин эгаллаган олимлардан бири бўлиб, унинг нахвий қарашлари асосан “ал-Мисбаҳ”, “Изоҳ”, “Рисалатун фин-нахв” каби асарлари орқали ўрганилган. Мутарризидининг қўлаб асарлари нашр этилиб, илмий жиҳатдан тадқиқ этилган бўлса-да, унинг “Рисалатун фин-нахв” асари матни ва қўлёзма нусхалари ҳозиргача чуқур матншунослик таҳлили асосида махсус ўрганилмаган. Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган уч нусха **Arabe 4254, 5875 ва 6664** инвентар рақамли мазкур рисоланинг мустақил қўлёзма нусхаларини тадқиқ этишга асос бўлиши мумкин. Қўлёзма анъанасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўрта аср илмий матнлари педагогик ва илмий эҳтиёжларга кўра қайта ишланган, қисқартирилган ёки кенгайтирилган.

Араб тилшунослиги тарихида нахв (النحو) илмий мактабининг шаклланиши ва такомил асосан рисоалар, илмий асарлар ҳамда уларнинг қўлёзма нусхалари орқали изчил намоён бўлади. Айниқса, Марказий Осиё ва Хоразм илмий муҳити XII асрда араб

тилшунослиги, фикҳ ва мантик илмлари билан узвий боғланган, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи илмий қарашларни шакллантирган. Ана шундай муҳитда етишиб чиққан Носир ал-Мутарризий араб тилшунослиги, хусусан луғатшунослик ва наҳв соҳаларида ўзига хос илмий анъаналарни давом эттирган аллома сифатида баҳоланади.

Ал-Мутарризийнинг машҳурлиги кўпинча унинг йирик асарлари билан боғланади. Бироқ муаллифнинг наҳвий услуби ва илмий ёндашувини чуқурроқ англаш учун айнан қисқа ва ўқув характериға эға бўлган рисолалар муҳим манба ҳисобланади. “Рисалатун фин-наҳв” ана шундай асарлардан бири бўлиб, унда наҳвий тушунчалар – **эъроб, омил-маъмул муносабати, рафъ–насб–жар ҳолатлари, фозил–мафъул, сифат–мавсуф муносабати, изофа, истисно** каби қоидалар изчил тарзда баён қилинган. (Rakhmonov A., 2025, p. 552)

Шу билан бирға, рисоланинг илмий қийматини тўлиқ баҳолаш учун фақат нашрлар ёки иккиламчи манбалар билан чекланиш етарли эмас. Асарнинг қўлёзма нусхалари унинг тарихий ривож, ўқилиш муҳити, котиблар аралашуви ҳамда матнда юзаға келган қисқартириш ёки кенгайтиришларни аниқлаш имконини беради. Бу эса асардаги турли таҳририй қатламларни аниқлашға хизмат қилади.

Айнан шу нуқтаи назардан Франция Миллий кутубхонаси фондида сақланаётган уч нусха **Arabe 4254, Arabe 5875 ва Arabe 6664** илмий жиҳатдан алоҳида аҳамиятға эға. Чунки улар бир асарнинг турли қўлёзма нусхалари сифатида матннинг қўлёзма анъанасини намоён қилади.

Мақоланинг долзарблиги қуйидаги уч омил билан белгиланади:

1. Рисола матнини тўғри тиклаш учун фақат бир нусхаға таяниш етарли эмас; бир нечта нусхани қиёсий таҳлил қилиш талаб этилади.
2. Ал-Мутарризийнинг наҳвий ёндашуви –қоидаларни таърифлаш, далиллар келтириш, истисноларни кўрсатиш ва терминларни аниқлаш –қўлёзма матнларда қандай ифодаланганини ўрганиш зарур.
3. Қўлёзмаларнинг кодикологик хусусиятлари –колофон ёзувлари, саҳифа тузилиши, ҳошия қайдлари, фикҳист маълумотлари –илмий муомалаға янги маълумотлар киритади.

Шу асосда мақола қуйидаги илмий саволларға жавоб беришни мақсад қилади:

- 1) Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган уч нусха (Arabe 4254, Arabe 5875, Arabe 6664) **кодикологик ва ёзув хусусиятлари** жиҳатидан қандай фарқ қилади?
- 2) Матннинг бобларға бўлиниши, терминлар қўлланиши ва баён услуби нусхалар ўртасида қандай фарқланади?
- 3) Бу фарқларни матннинг турли **таҳририй қатламлари** сифатида қандай изохлаш мумкин?

4) Уч нусха асосида ал-Мутарризийнинг “Рисалатун фин-нахв” асарига хос **нахвий баён** қандай тикланиши мумкин?

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Араб нахв илми тарихига оид тадқиқотларда, одатда, Сибавайх, Замахшарий, Ибн Ҳишом, Ибн Молик каби йирик нахвшунослар мероси марказий ўринни эгаллайди. Бу тадқиқотларда нахв назариясининг шаклланиши, терминларнинг такомилли, эъроб, омил-маъмул муносабати, истисно, изофа, сифат-мавсуф каби масалалар атрофлича ёритилган. Шу билан бирга, мазкур тадқиқотларнинг катта қисми назарий ёки тарихий характерга эга бўлиб, муайян рисоланинг турли қўлёзма нусхаларини қиёсий таҳлил қилишга кам эътибор қаратилган.

Мутарризий ҳақидаги мавжуд илмий ишлар ҳам, асосан, унинг биографияси, илмий муҳити, устоз-шоғирдлик анъанаси ва машхур асарларининг умумий мазмунини ёритиш билан чекланади. Айрим тадқиқотларда унинг Замахшарий анъанасини давом эттирган олим сифатидаги ўрни қайд этилса-да, **“Рисалатун фин-нахв”** асарининг матний хусусиятлари, қўлёзма анъанаси, таҳририй қатламлари ва таълимий функцияси алоҳида тадқиқот объекти сифатида кенг ёритилмаган. (Rakhmonov A., 2025, p. 550)

Қўлёзмашунослик ва текстология соҳасидаги илмий ёндашувлар шуни кўрсатадики, ўрта асрларга оид қисқа рисолаларни ўрганишда фақат матн мазмуни билан чекланиш етарли эмас. Қўлёзманинг саҳифа тузилиши, хат услуби, хошия ёзувлари, колофон маълумотлари, боблаш тизими ва матндаги вариантдорлик каби омиллар ҳам асарнинг илмий ҳаракати ва қўлланиш муҳитини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, **“Рисалатун фин-нахв”** асарининг Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган **Arabe 4254, Arabe 5875 ва Arabe 6664** нусхаларини ўзаро қиёсий ўрганиш нафақат матннинг барқарор ва ўзгарувчан қатламларини аниқлаш, балки муаллиф услуби ва рисоланинг таълимий йўналишини қайта тиклаш имконини беради.

Демак, мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Мутарризий мероси бўйича умумий тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, **“Рисалатун фин-нахв”** асарининг қўлёзма нусхаларини кодикологик, палеографик ва қиёсий-текстологик жиҳатдан махсус ўрганишга эҳтиёж сақланиб қолмоқда. Мазкур мақола ана шу бўшлиқни муайян даражада тўлдиришга қаратилган.

Мазкур тадқиқотда Носир ал-Мутарризийнинг **“Рисалатун фин-нахв”** асарининг Франция Миллий кутубхонаси фондида сақланаётган уч қўлёзма нусхаси **Arabe 6664, Arabe 5875 ва Arabe 4254** – асосий манба сифатида танланди. Тадқиқотнинг методологик асосини қўлёзмашунослик, матншунослик ва қиёсий таҳлил тамойиллари ташкил қилади.

Иш жараёнида, аввало, қўлёзмаларнинг ташқи ва ички белгилари ўрганилди. Бунинг учун қўлёзманинг саҳифа тузилиши, ёзув тури, сатрлар тартиби, хошия ёзувлари, рамка

тизими, колофон маълумотлари каби белгилар таҳлил қилинди. Мазкур ёндашув қўлёзманинг яратилган даври, кўчирилиш муҳити ва илмий муомаладаги хусусияти ҳақида хулоса чиқариш имконини берди.

Шу билан бирга, нусхаларнинг хат хусусиятлари ҳам алоҳида кўриб чиқилди. Ёзув шакли, имло ўзгаришлари, айрим терминларнинг берилиш усули ва график фарқлар қўлёзмаларнинг ўзаро яқинлиги ёки фарқини белгилашда муҳим мезон сифатида қабул қилинди. Бу усул нусхаларнинг қайси бири асл матнга яқинроқ эканини аниқлашга хизмат қилди.

Тадқиқотнинг асосий усули сифатида **қиёсий-текстологик таҳлил** қўлланилди. Унда уч нусханинг матни ўзаро параллел таққосланиб, боблар кетма-кетлиги, наҳвий терминлар қўлланиши, таърифларнинг шакли, қоидалар баёни, мисоллар ва истисно ҳолатлари солиштирилди. Нусхалар ўртасидаги умумийлик ва фарқлар орқали асар матнидаги барқарор қатлам ҳамда кейинги даврда киритилган ўзгаришлар аниқланди.

Тадқиқотда шунингдек **структуравий таҳлил** усулидан ҳам фойдаланилди. Бу орқали рисоланинг ички қурилиши, яъни мавзуларнинг жойлашув тартиби, таъриф ва мисоллар муносабати, боблар ўртасидаги мантикий боғланишлар ўрганилди. Натижада муаллифнинг наҳвий материални баён қилишдаги услубий ва методик ёндашуви тикланди.

Методологик жиҳатдан тадқиқот қуйидаги тамойилларга таянди: матнни қўлёзма анъанаси доирасида ўрганиш, ҳар бир нусхани мустақил манба сифатида баҳолаш, нусхалар ўртасидаги фарқларни тасодифий эмас, балки муайян таълимий ёки таҳририй эҳтиёжлар натижаси сифатида талқин қилиш. Шу асосда мақолада асарнинг қўлёзма анъанасидаги тадрижий ўзгаришлар ва муаллиф методологиясининг асосий белгиларини илмий жиҳатдан ёритиш мақсад қилинди.

### **Натижалар.**

#### **1) Arabe 6664 инвентар рақамли қўлёзма**

“Рисалатун фин-наҳв” асарининг Франция Миллий кутубхонаси фондида Arabe 6664 инвентарь рақами остида сақланаётган нусхаси мазкур рисоланинг ҳозиргача маълум бўлган энг қадимий ва илмий жиҳатдан муҳим қўлёзмаларидан бири ҳисобланади. Колофон маълумотларига кўра, нусха хижрий 882 / милодий 1477–1478 йилларда кўчирилган.

Қўлёзма араб тилида насх хатида битилган бўлиб, ёзув услуби тартибланган ва барқарор. Матн қора сиёҳ билан ёзилган, айрим сарлавҳалар ва боб бошланишлари каттарок ёзув билан ажратиб кўрсатилган. Матнда ҳаракат белгиларидан чекланган даражада фойдаланилган, яъни тўлиқ ҳаракатлантирилмаган. (Mutarrizi, Manuscript, Arabe 6664, p. 298) Қўлёзманинг саҳифа тузилиши анъанавий шарқ қўлёзмалари услубида бўлиб, ҳар бир

саҳифада сатрлар сони барқарор сақланган. Саҳифалар пойгирланган бўлиб, бу саҳифалар кетма-кетлигини аниқлаш имконини беради.

Қўлёзма муқаддимадан бошланади. Титул варағи мавжуд эмас. Муқаддима қисми аниқ ажратилган бўлиб, унда басмала келтирилган. Бу ҳолат нусханинг илмий жиҳатдан тўлиқ матн қатламини сақлаганини кўрсатади. Матнда боблар аниқ тартибда жойлаштирилган. Қоидалар таъриф–ҳукм–мисол занжири асосида берилган. Айрим саҳифалар ҳошиясида қисқа изоҳлар ва шарҳлар учрайди. Бу ҳолат қўлёзманинг фаол ўқилгани ва илмий муомалада бўлганини кўрсатади.

Қўлёзманинг умумий ҳолати қониқарли. Матнда жиддий шаклан нуқсонлар қайд этилмайди. Айрим саҳифаларда ёзувнинг сусайган жойлари учраса-да, матннинг асосий қисми сақланган. Мазкур нусхада “Рисалатун фин-нахв” асари тўлиқ ҳолда келтирилган. Матннинг бошланиши ва тугаш қисми сақланган. Колофонда кўчирувчи номи кўрсатилмаган, аммо кўчирилган сана қайд этилган. Қўлёзманинг ўлчами **23 × 14 см** ни ташкил этади. Манба маълумотларига кўра, мазкур нусха котиб **Ҳожи Муҳаммад ибн Аҳмад Рукн ад-Дин ал-Хутаний (ёки ал-Хусаний)** томонидан кўчирилган. (Mutarrizi, Manuscript, Arabe 6664, p. 298)

Қўлёзма ҳозирги кунда Франция Миллий кутубхонаси фондида сақланади ва рақамлаштирилган ҳолда тадқиқотчилар учун очик тарзда тақдим этилган. Унинг рақамли идентификатори **ark:/12148/btv1b10030511b** бўлиб, қўлёзма 2017 йил 24 ноябр куни интернет тармоғи орқали умумий фойдаланишга жойлаштирилган.

Мазкур қўлёзма ал-Мутарризий асарларининг тарқалиш тарихи, матн анъанаси ва қўлёзма маданиятини ўрганишда муҳим манбалардан бири сифатида илмий аҳамиятга эга.

## 2) Arabe 5875 инвентар рақамли қўлёзма

“Рисалатун фин-нахв” асарининг Франция Миллий кутубхонаси фондида Arabe 5875 инвентарь рақами остида сақланаётган нусхаси мазкур рисолаининг илмий жиҳатдан муҳим ва нисбатан мукамал сақланган қўлёзмаларидан бири ҳисобланади. Палеографик ва кодикологик хусусиятларига кўра, нусха милодий 1562–1563 йиллар атрофи мансуб деб тахмин қилинади.

Қўлёзма араб тилида насх хатида битилган бўлиб, ёзув услуби аниқ ва тартибланган. Матн қора сиёҳ билан ёзилган, боб ва сарлавҳалар катгароқ ҳарфлар билан очроқ рангда ажратиб кўрсатилган. Айрим жойларда қоида бошланишлари кўриниш жиҳатидан тарзда фарқланади. Матн тўлиқ ҳаракатланган, аммо грамматик жиҳатдан муҳим ўринларда қисман ҳаракат белгилари қўлланган. Қўлёзма саҳифалари рамкали жадвал ичида жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир саҳифада сатрлар сони барқарор сақланган. Матн

структураси қатъий тартибда берилган. Боблар ва фасллар ўртасида аниқ таркибий чегаралар мавжуд. (Mutarrizi, Manuscript, Arabe 5875, p. 227)

Матнда грамматик қоидалар тизимли тарзда жойлаштирилган. Таърифлар қисқа ва аниқ баён этилган. Бу ҳолат матннинг муайян даражада таҳрир қилинганни кўрсатади. Ҳошияларда кам сонли изоҳ ва белгилар учрайди, улар Arabe 6664 нусхага нисбатан камроқ. Бу қўлёзманинг ўқувдан кўра илмий муомалага яқин бўлганини кўрсатиши мумкин. Қўлёзма ҳолати қониқарли. Саҳифалар кетма-кетлиги сақланган. Жиддий механик шикастлар кузатилмайди. Саҳифалар рақамланмаган, аммо тартиб сақланган. Пойгирлар орқали саҳифа изчиллигини аниқлаш мумкин.

Мазкур нусхада “Рисалатун фин-наҳв” асари тўлиқ сақланган. Матннинг бошланиш ва тугаш қисми мавжуд. Колофонда кўчирувчи номи қайд этилмаган, аммо кўчирилган давр хусусиятлари ёзув услубидан англашилади. Айрим ўринларда **форсий насх услубига яқин ёзув**да кўчирилган. Манба маълумотларига кўра, ушбу нусха **хижрий 970-йилда** кўчирилган. Қўлёзманинг аввалги эгаларидан бири сифатида машҳур француз шарқшуноси **Шарль Шефер (Charles Schefer, 1820–1898)** қайд этилган. Ҳозирги кунда ушбу нусха Франция Миллий кутубхонасининг Қўлёзмалар департаменти фондида сақланади. (Mutarrizi. Manuscript, Arabe 5875, p. 227)

Қўлёзманинг рақамли нусхаси тайёрланган бўлиб, у тадқиқотчилар учун онлайн тарзда тақдим этилган. Унинг рақамли идентификатори **ark:/12148/btv1b100308531** бўлиб, 2017 йил 19 ноябрь куни интернет тармоғи орқали фойдаланишга жойлаштирилган. Мазкур қўлёзма ал-Мутарризий асарининг қўлёзма анъанасини ўрганиш, матннинг тарқалиш тарихи ва турли нусхалар ўртасидаги фарқларни аниқлашда муҳим манба ҳисобланади.

### 3) [Arabe 4254 инвентар рақамли қўлёзма](#)

Ал-Мутарризийнинг “Рисалатун фин-наҳв” асарининг Франция Миллий кутубхонаси фондида Arabe 4254 инвентарь рақами остида сақланаётган нусхаси мазкур рисоанинг нисбатан кейинги даврга мансуб бўлган қўлёзмаларидан бири ҳисобланади. Нусханинг кўчирилган аниқ санаси колофонда кўрсатилмаган, аммо қўлёзманинг ёзув хусусиятлари ва матн тузилиши уни XVI–XVII асрлар оралиғига мансуб деб тахмин қилиш имконини беради. (Mutarrizi, Manuscript, Arabe 4254, p. 200)

Қўлёзма араб тилида насх хатида битилган. Ёзув соддароқ ва амалий хусусиятга эга. Матн асосан қора сиёҳ билан ёзилган, боб бошланишлари ва айрим сарлавҳалар очроқ ранг билан ажратиб кўрсатилган. Матн тўлиқ ҳаракатлантирилмаган, грамматик жиҳатдан муҳим жойларда ҳаракат белгилари қўлланган. Қўлёзма саҳифалари жадвалга олинмаган, матн эркин тарзда саҳифа бўйлаб жойлаштирилган. Ҳар бир саҳифадаги сатрлар сони

барқарор сақланган. Саҳифалар рақамланган ва пойгирлар ҳам мавжуд. Шу боис саҳифалар кетма-кетлигини тиклаш мумкин.

Ҳошияларда изоҳлар кам учрамайди. Ҳошиявий шарҳлар кам. Бу ҳолат қўлёзманинг илмий баҳс муҳитида эмас, балки ўқув жараёнида фойдаланилган бўлиш эҳтимолини кучайтиради. Қўлёзманинг умумий ҳолати қониқарли, жиддий шаклий нуқсонлар қайд этилмаган. Бироқ айрим саҳифаларда сиёҳнинг сусайган жойлари кузатилади. Асар матни тўлиқ сақланган, бошланиш ва тугаш қисми мавжуд. Манба маълумотларига кўра, мазкур нусха **ҳижрий 964-йилда (милодий 1556 йил)** кўчирилган. (Mutarrizi, Manuscript, Arabe 4254, p. 200) Қўлёзма ҳозирги кунда Франция Миллий кутубхонаси фондида сақланади ва тадқиқотчилар учун онлайн шаклда фойдаланиш имкониятига эга. Қўлёзманинг рақамли идентификатори **ark:/12148/btv1b10038128** бўлиб, у **2017 йил 16 январь** куни интернет тармоғи орқали умумий фойдаланишга жойлаштирилган. Мазкур қўлёзма ал-Мутарризий асарларининг қўлёзма анъанаси, матн таркиби ва турли нусхалар ўртасидаги фарқларни ўрганишда муҳим манба сифатида аҳамиятга эга.

Олиб борилган қиёсий-текстологик таҳлил натижалари Носир ал-Мутарризийнинг **“Рисалатун фин-наҳв”** асари қўлёзмалари бир хил матнни сақлаган бўлса-да, улар ўртасида муайян кодикологик, палеографик ва тузилмавий фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Бу ҳолат рисоланинг қўлёзма анъанаси давомида маълум даражада таҳририй ва тузилмавий ўзгаришларга учраганини англатади.

Таҳлил қилинган уч нусха ичида **Arabe 6664** қўлёзмаси хронологик жиҳатдан энг қадимий бўлиб, матннинг нисбатан асл кўринишини сақлаб қолган нусха сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Унда матн тузилиши анъанавий тартибда берилган, боблар кетма-кетлиги изчил сақланган ва қоидалар таъриф–ҳукм–мисол тизими асосида баён қилинган. Ҳошиялардаги қисқа изоҳлар эса мазкур нусханинг фақат кўчирилган матн эмас, балки илмий ўқув муҳитида фаол муомалада бўлганини кўрсатади.

**Arabe 5875** нусхаси эса тузилмавий жиҳатдан анча тартибланган ва мураббаъ кўринишга эга. Унда боблар ва сарлавҳалар график жиҳатдан аниқ ажратиб кўрсатилгани, қоидаларнинг тизимли жойлаштирилгани матн муайян даражада таҳрир қилинган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ҳошия изоҳларининг камлиги ва матннинг нисбатан мукамал сақлангани мазкур нусханинг илмий муҳитда кўчирилган бўлиши эҳтимолини кучайтиради.

**Arabe 4254** нусхаси эса бошқа нусхаларга нисбатан соддароқ кўринишга эга бўлиб, унинг саҳифа тузилиши ва ёзув услуби амалий хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, унда матннинг тўлиқ сақлангани рисоланинг кейинги даврларда ҳам кенг тарқалганини тасдиқлайди. Қўлёзмалар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни таҳлил

қилиш рисоланинг матний анъанаси муайян босқичларда шаклланганини кўрсатади. Энг қадимий нусха матннинг асосий назарий шаклини сақлаб қолган бўлса, кейинги нусхаларда матннинг тартибланиши, бобларнинг график ажратилиши ва айрим изоҳларнинг камайиши каби ҳолатлар кузатилади. Бу эса рисоланинг қўлёзма анъанасида **тадрижий ривожланиш** жараёни мавжуд бўлганини кўрсатади.

Шу жиҳатдан, мазкур қўлёзмаларни қиёсий таҳлил қилиш ал-Мутарризий асарининг тарқалиш тарихи, матн структураси ва наҳв рисолалари анъанасидаги ўрнини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Олинган натижалар араб грамматикасига оид қўлёзмаларни ўрганишда кодикологик ва текстологик ёндашувларни биргаликда қўллаш муҳим эканини яна бир бор тасдиқлайди.

**Хулоса.** Носир ал-Мутарризийнинг **“Рисалатун фин-наҳв”** асарининг Франция Миллий кутубхонаси (BnF) фондида сақланаётган уч қўлёзма нусхаси — Arabe 6664, Arabe 5875 ва Arabe 4254 — асосида олиб борилган қўлёзма тузилиши, қадимий хат хусусиятлари ва қиёсий-текстологик таҳлил қуйидаги илмий хулосаларни чиқариш имконини берди.

Аввало, тадқиқот натижалари мазкур рисоланинг барча нусхаларида матннинг асосий мазмуни сақланганини кўрсатади. Қўлёзмалар ўртасидаги фарқлар асосан изоҳлар, мисоллар, боблар ичидаги тафсилотлар ва матнни расмийлаштириш услуби билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат рисоланинг қўлёзма анъанасида муайян даражада таҳририй ва таълимий ўзгаришлар юз берганини кўрсатади.

Таҳлил қилинган нусхалар ичида Arabe 6664 қўлёзмаси хронологик жиҳатдан энг қадимий ва матний жиҳатдан энг тўлиқ сақланган нусха сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Унда колофон маълумотлари, ҳошия ёзувлари ва матн ҳажмининг кенглиги мазкур нусханинг рисола матн анъанасидаги таянч қатламни акс эттиришини кўрсатади.

Arabe 5875 нусхаси эса тузилмавий жиҳатдан анча мураттаб ва тартибланган бўлиб, унда баён услубининг муайян даражада таҳририй жиҳатдан силлиқлашгани кузатилади. Боблар ва сарлавҳаларнинг аниқ график ажратилиши ҳамда матн тартибининг изчиллиги бу нусханинг нисбатан расмий ва илмий муҳитда кўчирилганини кўрсатади.

Arabe 4254 нусхаси эса бошқа нусхаларга нисбатан соддароқ ва қисқартирилган тузилишга эга бўлиб, унда рисоланинг таълимий йўналишда ихчамлаштирилган шакли намоён бўлади. Бу нусха асарнинг асосий грамматик қоидаларини ихчам шаклда тақдим этиши билан муаллиф методологиясининг ички тузилишини аниқроқ кўрсатади.

Қўлёзмаларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида ал-Мутарризий рисоласининг методологик тузилиши маълум даражада барқарор экани аниқланди. Рисолада грамматик материал асосан таъриф → қоида баён қилиш → эъроб ҳукми → истисно → мисол

занжири асосида ташкил этилган бўлиб, ушбу методологик модель учала нусхада ҳам сақланган.

Умуман олганда, мазкур қўлёзмаларни биргаликда ўрганиш “**Рисалатун фин-наҳв**” асарининг илмий қийматини янада теранроқ англаш имконини беради. Асар нафақат араб грамматикасига оид қоидалар тўплами, балки Марказий Осиё, айниқса Хоразм илмий муҳитида шаклланган филологик тафаккурнинг таълимий ва методологик моделини акс эттирувчи муҳим манба сифатида намоён бўлади. Шу жиҳатдан, мазкур рисола араб наҳв илмининг қўлёзма анъанаси ва Марказий Осиёдаги грамматик тадқиқотлар тарихи учун муҳим илмий аҳамиятга эга

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mutarrizî, N. (1477–1478). *Risālatun fî an-Naḥw*. Manuscript. Paris: Bibliothèque nationale de France, Arabe 6664. [ark:/12148/btv1b10030511b](https://nbn-resolving.org/urn:nbn:fr:bnf-99531-1) (in Arabic)
2. Mutarrizî, N. (1562–1563). *Risālatun fî an-Naḥw*. Manuscript. Paris: Bibliothèque nationale de France, Arabe 5875. [ark:/12148/btv1b100308531](https://nbn-resolving.org/urn:nbn:fr:bnf-99531-1) (in Arabic)
3. Mutarrizî, N. (16–17th century). *Risālatun fî an-Naḥw*. Manuscript. Paris: Bibliothèque nationale de France, Arabe 4254. [ark:/12148/btv1b10038128](https://nbn-resolving.org/urn:nbn:fr:bnf-99531-1) (in Arabic)
4. Brockelmann, C. (1942). *Geschichte der arabischen Literatur: Supplement [History of Arabic Literature: Supplement]*. Leiden. p.998 (in German)
5. Khabibullaev, A. (1995). Al-Mutarrizi and his work al-Mughrib. *Sharqshunoslik [Oriental Studies]*, (6), 79–84. Tashkent. (in Uzbek)
6. Mutarrizî, A. F. N. (1979). *al-Muḡrib fî tertîbî'l-mu'rib [The Maghrib in the Classification of the Mu'rib]* (M. Fahûrî & A. Muhtâr, Eds.). Aleppo: Usama b. Zayd Library. (in Arabic)
7. Mutarrizî, A. F. N. (n.d.). *al-Iqna': Limā Ḥawā Taḥt al-Qinā' [The Convincing: What Lies Beneath the Veil]*. Istanbul: Atıf Efendi Library, Manuscripts, 2688, 1b–241a. (in Arabic)
8. Nosirova, M. (2010). Arabic linguistics in medieval Khwarazm. *Ta'lim tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlar [Social and Humanitarian Sciences in the Education System]*, (1), 128–131. Tashkent: Technical University. (in Uzbek)
9. Qosimova, S. (2015). The use of Arabic grammatical terms in the works of linguists from Mawarannahr. *Sharq tillari ikki tilli lug'atlarining leksikografik tadqiqotlari. [Lexicographic Studies of Bilingual Dictionaries of Eastern Languages]* (pp. 30–37). Tashkent. (in Uzbek)
10. Azimjon R. (2025). Language Teaching Methods in al-Mutarrizi's "Risalatun fi'n-Nahw" Problems of foreign language research and teaching (2181-1784), 5(20), 131-135. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14875439> (in Uzbek)

11. Rakhmonov, A. (2025). Translation theory and didactics in the heritage of Nasir al-Mutarrizi: The treatise *Risalatun fi an-Nahw* and the integration of modern translation education. *Ilm Vaqti Scientific Journal*, 3(5). <https://doi.org/10.5281/zenodo.18001731> (in Uzbek)

12. Rakhmonov, A. (2025). Abul Fath Burhan al-Din Nasir al-Mutarrizi – A bright representative of medieval Eastern scholarly heritage. *Journal of Oriental Philology*, 5(03), 549–560. <https://supportscience.uz/index.php/ojp/article/view/2086> (in Uzbek)

13. Rakhmonov, A. (2025). The study of Mutarrizi’s scholarly activity based on historical sources. *Til va Adabiyot*, (12), 247–248. (in Uzbek)